

ҚАТАР АМИРИГА ХАЛҚИМИЗГА ХОС ЮКСАК МЕҲМОНДЎСТЛИК КЎРСАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний 5 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



Самарқанд халқаро аэропортида Қатар Амирини Ўзбекистон Президенти кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди.

Давлат раҳбарлари шохсупага кўтарилди.

Қатар Амирига халқимизга хос юксак меҳмондўстлик кўрсатилди. Бой миллий маданият ва санъатимиз намуналари намойиш этилди. Куй-қўшиқлар ижро этилди.

Шундан сўнг Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев хамроҳлигида қадим ва бетакрор Самарқанд шаҳрининг улғувор меъморий обидаларини кўздан кечирди.

Давлат раҳбарлари дастлаб Мирзо Улуғбек расадхонаси ва музейини бориб кўрди. Маълумки, Мухаммад Тарағай Мирзо Улуғбек буюк олим ва ҳукмдор сифатида илм-фан ва маданият ривожига катта ҳисса қўшган. Урта асрлардаёқ ноёб расадхона кашф қилиб, осмон жисмларини жуда аниқ ўрганган. Унинг “Зижи жадиди Қўрагоний” асари бутун дунёда, хусусан, араб оламида фалакиёт бўйича илмий манба сифатида машҳур бўлган.

Танишув чоғида темурийлар даврида илм-фан, маданият ва бунёдкорлик юксак даражада ривожлангани, бу юртимиздаги Иккинчи Ренессансга асос бўлгани ёдга олинди. Бугун юртимизда ислом цивилизацияси, алломалар меросини ўрганиш бўйича марказлар ташкил этилгани таъкидланди.

Кейинги манзил “Афросиёб” музейи бўлди. Бу ердаги экспонат ва деворий суратлар Самарқанд шаҳрининг уч минг йиллик тарихидан ҳикоя қилади. Шундай суратлардан бирида Афросиёб ҳукмдорининг элчиларни қабул қилиш маросими акс этган. Бу ажодларимиз дипломатияга катта эътибор бергани, Шарқ ўлкалари билан азалдан ҳамкорлик яхши бўлганини кўрсатади.

Дунёга машҳур Регистон майдони — мамлакатимизнинг яна бир “ташриф қоғози”, ажодларимиз бунёдкорлик салоҳиятининг гўзал ифодаси. Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасаларининг маҳобати, ўзига хос архитектура ҳамада ҳайрат ва ҳавас уйғотади.

Олий мартабали меҳмонга мадрасаларнинг қурилиш тарихи, нақш ва рамзларнинг мазмуни, майдонда амалга оширилган таъмирлаш ишлари ҳақида сўзлаб берилди. Қатар Амири мадрасаларни катта қизиқиш билан томоша қилди.

Сўнг давлат раҳбарлари Самарқанднинг Халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” мажмуасига ташриф буюрдилар.

Ўзбекистон ва Қатар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрна-

тилганига 25 йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, ушбу мамлакат раҳбари илк бор юртимизга давлат ташрифини амалга оширмоқда. Бу кейинги йилларда давлатларимиз ўртасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани натижасидир. Жумладан, яқинда Тошкент шаҳрида Қатар давлатининг элчихонаси очилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 5 июнь куни қабул қилинган Фармони билан Қатар фуқаролари учун визасиз тизим жорий этилди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 6 июнь кунига режалаштирилган. Ташриф давомида Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. Бунда, энг аввало, фаол сиёсий мулоқотлар ва маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш, энергетика, газ-кимё саноати, қишлоқ ҳўжалиги, инфратузилма, логистика, туризм ва бошқа тармоқларда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш эътибор марказида бўлади.

Давлат раҳбарлари халқаро сиёсат ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалаларини ҳам муҳокама қиладилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚАТАР КЎП ҚИРРАЛИ АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИНИ ОЧМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан кеча Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди.

Бу Қатар раҳбарининг Ўзбекистонга илк ташрифи, шу боис ушбу саммит ҳақли равишда Ўзбекистон — Қатар муносабатларида тарихий босқичга айланади ва, албатта, уларнинг янада ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Қатар Давлати Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган. Ўзбекистон ва Қатар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги қўшма баённома 1997 йил 27 ноябрда имзоланган.

2010 йил 23-24 ноябрь кунлари Қатарга олий даражадаги расмий ташриф, шунингдек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний ўртасидаги 2022 йил 5 февралда Пекинда қишки Олимпия ўйинлари ва 2022 йил 13 октябрда Остона шаҳрида ўтказилган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч қоралари бўйича кенгашнинг VI саммити очилиш маросими доирасидаги учрашув ва музокаралар сиёсий мулоқотни янада ривожлантиришга асос бўлди.

Бугунги кунга қадар икки томонлама ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси 12 та ҳужжатдан иборат.

Икки давлат ўртасидаги мулоқот юқори, эксперт ва бошқа даражаларда, халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик таш-

килоти доираларида изчил ривожланиб бормоқда.

Эслатиб ўтамиз, 2022 йил 14-15 сентябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган ШХТ саммити доирасида Қатарнинг ушбу ташкилотга мулоқот бўйича ҳамкор сифатида қўшилиши тўғрисидаги битим имзоланган эди.

Шу билан бирга, икки давлат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида делегациялар алмашинуви, сиёсий маслахатлашувлар ва музокаралар асосида алоқалар йўлга қўйилган.

2021 йилнинг 9-10 июнь кунлари Қатар Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири шайх Мухаммад бин Абдурахмон Ол Соний бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди, уни давлатимиз раҳбари қабул қилди.

Қатар ташқи ишлар давлат вазири Султон ал Мураихи бошчилигидаги ушбу мамлакат делегацияси 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкентда бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва

имкониятлар” халқаро конференцияда иштирок этди.

Ўзбекистон парламент делегациялари муҳим халқаро тадбирларда, жумладан, Парламентлараро иттифоқнинг 140-сессияси, БМТнинг энг кам ривожланган мамлакатлар бўйича 5-конференцияси (НРС-5) ва бошқа йирик анжуманларда иштирок этиш учун бир неча бор Қатарга ташриф буюрди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, икки давлат халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирининг конструктив ташаббуслари ва номзодларини фаол қўллаб-қувватлаб келаётир. Жумладан, Қатар Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган БМТнинг қатор резолюциялари, хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” (2018 йил декабрь), “Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлиқни мустаҳкамлаш тўғрисида”ги (2022 йил июль), “Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги (2022 йил декабрь), шунингдек, ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг “Тошкент декларациясини амалга ошириш бўйича кейинги тадбирлар ва ёш болалар тарбияси ва таълиминини ўзгартириш қораларини кўриш бўйича мажбуриятлар тўғрисида”ги (2023 йил май) ва бошқа резолюцияларга ҳаммуаллифлик қилди.



Интервью

Элчи Ҳасан Ҳамза Ҳошим: ЎЗБЕКИСТОН БИЗНИНГ МУҲИМ ВА ЯҚИН ҲАМКОРИМИЗ

Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи арафасида “Дунё” АА мухбири ушбу мамлакатнинг Фавқуллодда ва мухтор элчиси Ҳасан Ҳамза Ҳошим билан суҳбатлашди.

Дипломат интервью давомида Ўзбекистон — Қатар муносабатларининг ривожланиши ва бўлажак ташрифдан кутилаётган асосий мақсадлар ҳақида ўз фикр-мулоҳаларини билдирди.

— **Жаноб элчи, жорий йил Тошкентда Қатар Давлатининг дипломатик ваколатхонаси очилгани билан сизни табриклашдан мамнунимиз. Айтингчи, бундай қарорга нима сабаб бўлди? Мамлакатингизда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантириш истиқболлари қандай муносабатда бўлишмоқда?**

— Қатар Давлатининг Ўзбекистондаги элчихонасининг очилиши мамлакатларимиз раҳбарларининг турли соҳалардаги икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, икки дўст халқни янада

яқинлаштириш борасидаги сайй-ҳаракатлари самарасидир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар 1997 йилнинг ноябрь ойида Қатар Давлати ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида элчилар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Баённо-мани имзолаш орқали ўрнатилди.

Уша кундан бошлаб икки ҳукумат муносабатларимизнинг умумий асоси халқаро ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари таъминлилари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига мос келишини таъминлашга ҳаракат қилинди.



Марказий сайлов комиссиясида

ПРЕЗИДЕНТЛИККА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Кеча Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда МСК аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказуви оқруғ сайлов комиссияларининг аъзолари қатнашди.

Кун тартибидан сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги масалалар ўрин олди.

Таъкидлаш жоизки, шу йилнинг 31 май куни Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, 1 июнь куни Ўзбекистон Халқ демокра-

тик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олишни сўраб мурожаат этди ва номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо ва рақаларини тақдим этди.

Марказий сайлов комиссиясининг эксперт гуруҳлари жорий йил 31 май — 2 июнь кунлари юқорида қайд этилган 4 та сиёсий партия томонидан тақдим этилган фуқароларнинг номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо ва рақалари тўғри тўлдирилганлигини сайлов қонунчилиги талабларига қатъий амал қилган ҳолда текширдилар.



Фракцияларда

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ — ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилётган бир қатор қонун лойиҳалари апрофича кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқшда кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси билан Бюджет кодексига бюджет маблағлари ва давлат мақсадли фондларини тақсимловчилар

фаолиятида ички аудитни тартибга солиш, жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясининг номини қонунчиликка мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.



АҚШДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШОНЛИ ТАРИХИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

“Мендирман” қўшиғига ишланган видеоклип Лос-Анжелес (АҚШ)да ўтказилаётган “CINE GEAR EXPO — 2023” анъанавий фестивалида Гран-при мукофотини қўлга киритди.

Дунё нигоҳи

Ўзбекистон Ташқи ишлар, Маданият ва туризм вазирликлари кўмагида мамлакатимизнинг бир гуруҳ санъат арбоблари Лос-Анжелесда жажонга машҳур “Paramount Studios” киносанъат томонидан ўтказилган “CINE GEAR EXPO 2023” анъанавий фестивалида иштирок этди ва конкурснинг Гран-при мукофотини қўлга киритди.

Танловга Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ижросидаги

“Мендирман” қўшиғига ишланган видеоклип тақдим этилди. Клип ўзбек халқининг миллий қадриятини, хорманлар, размошлар сулоласининг ёрқин намоёндаларидан бири — Жалалиддин Мангуберди ҳаётига бағишланган. 2017 йилда “SABIROV PRO” студияси томонидан суратга олинган ушбу видеоклип 2018 йил бошида бўлиб ўтган “Эҳтиром” миллий танловининг

“Энг яхши видеоклип” номинациясида ҳам ғолиб бўлган эди.

Бу йил “CINE GEAR EXPO” фестивалида 40 та давлатдан 300 дан ортиқ вакил, шунингдек, ўн минглаб томошабинлар иштирок этди.

Фестиваль нафақат ижодий маҳ-

сулотларни намойиш этиш жойи, балки кино ва видео ишлаб чиқариш технологиялари бўйича тажриба ҳамда кўникмалар алмашиш платформаси ҳамдир. Маданий тадбир давомида ўнлаб семинарлар, панель учрашувлари, маҳорат дарслари ва бошқа жуда қизиқарли тадбирлар ўтказилди. Уларда иштирокчилар етакчи соҳа вакиллари билан фикр алмашиш, ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш имконига эга бўляпти.

Таъкидлаш жоизки, 2002 йилдан буён фаолият юритиб келаётган “SABIROV PRO” студияси ўтган давр мобайнида ўзбек миллий қўшиқчилик санъатини яқин ва узоқ хориж мамлакатларида оммалаштириш борасида муайян ишларни амалга

“Дунё” АА.



Бугун дунёда йўллар иқтисодиётнинг қон томири сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Айни жиҳатларни инобатга олиб, мамлакатимизда барча тоифадаги йўллар инфратузилмасини жаҳон андозалари даражасида яхшилаш доимий устувор вазифалар сирасига киритилган.

Бу борада йўловчи ва юк ташишда ғоятда истиқболли тармоқ — темир йўллар тизимини ислоҳ этиш бўйича олиб борилаётган савий-ҳаракатлар ҳам эътиборга сазовордир. Бунинг натижасида темир йўллар бугунги кунда

мамлакатимиз ҳудудларини ўзаро боғловчи транспорт тизимининг "олтин камари" сифатида иқтисодиётимиз равнақ-ривож, халқимизнинг фаровон турмуши учун хизмат қилмоқда.

Хўш, темир йўлларда юк ва йўловчи ташиш соҳасида ишончлилик, барқарорлик ва хавфсизлик тамойилларига нечоғли риоя этиляпти? Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчи ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ("Ўзтемирйўлназорат") бошлиғи Дониёр Аҳмедовнинг фикрлари билан қизиқди.

Инфратузилма

Ҳаракат хавфсизлиги — бош мезон

— 2001 йилда ташкил этилган "Ўзтемирйўлназорат" инспекцияси давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 февралдаги "Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига кўра, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги ҳузурида фаолият кўрсатмоқда, — дейди Д. Аҳмедов. — Шунингдек, биз ўз фаолиятимизни Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчи ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори, ушбу қарор асосида тасдиқланган Низомга мувофиқ олиб бoramиз.

Бу инспекция — поездлар ҳаракати хавфсизлиги таъминланиши юзасидан давлат назорати соҳасида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади, амалга оширади ва ўзаро мувофиқлаштиради. Темир йўл транспорти соҳасидаги ҳаракат

хавфсизлигини таъминлашга оид қоида ва нормаларга риоя этилиши юзасидан давлат назоратини олиб боради.

Ўз навбатида, вагон, локомотив, энергия таъминоти, темир йўллар, сигнализация ва алоқа, ташишлар, юк ва тижорат хўжаликларида поездлар хавфсизлиги таъминланиши ҳолатини назорат қилиб бориш бўйича текширув ҳамда профилактик ишларни амалга ошириш доимий устувор вазифаларимиз сирасига киритилган.

Бундан ташқари, биз темир йўл транспорти соҳасида ҳаракат ва ташишлар хавфсизлигини таъминлашга оид ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқамиз.

Қонун устуворлиги ва ижодкорлиги

Президентимиз ташаббуси билан яқин истиқболда транспорт соҳасида инфратузилма сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини бугунги кун талаби ва эҳтиёжи асосида жадал ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Айни жараёнда темир

йўлларда хизматлар кўрсатиш, юк ва йўловчиларни ташиш хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

2022 йили темир йўлларда ташишлар хавфсизлигини таъминлашга оид 9 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш режалаштирилган бўлиб, амалда 11 та (2021 йили 10 та) ҳужжат ишлаб чиқилди.

Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текшируви олиб бориш ва ҳисоб-ғалиш бўйича 9 та ҳолатда тегишли материаллар транспорт прокуратурасига тақдим қилинди. Иқтисодий судларга 7 та даъво аризаси киритилиб, 6 таси ижобий ҳал этилди.

Ўтган йил давомида мазкур йўналишда инспекция томонидан 8 мингдан зиёд камчиликлар аниқланиб, қарийб 2,5 минг та профилактик тадбирлар ўтказилди, 180 та муружаатлар қаноатлантирилди. Натижада соҳа фаолиятида "инсон омили"нинг салбий таъсири 6 фоизга камайишга эришилди, 71 км. темир йўл ва 500 та локомотив таъмирдан чиқарилди.

МАМЛАКАТИМИЗ ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИНГ

«ОЛТИН КАМАРИ»

Шу билан бирга, 73 та ҳолатда поездлар ҳаракати хавфсизлиги бузилиши, 35 та ҳолатда темир йўл кесилмаларида автомашина билан тўқнашув, 37 та одам уриб кетиш ҳолати аниқланди ва қонуний чора кўрилиши таъминланди.

Тошкент метросининг ойдin йўли

Марказий Осиё жавоҳири бўлган Тошкент метроси мамлакатимиз темир йўл

Яқин ойлarda "Қурувчилар" даҳасидан "Қипчоқ" бекатигача деярли 4 км. бўлган метро йўли ҳам ишга туширилади. Шу тарика Қўйлиқ ва Сергели орасидаги қатнов вақти 15 дақиқани ташкил этади. Бу йўналишда бир кунда 40 мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатилади. Натижада шахсий транспорт воситасига бўлган эҳтиёж камаяди, автомобиль йўлларида тирбандлик бўлмайди. Ҳозирда биригина Қўйлиқ — Сергели йўналишида ҳаракат-

10 минг километрдан зиёд узунликдаги темир йўл (шундан 3 минг км.дан ортиги электрлаштирилган), мингтадан кўпроқ локомотив (электровоз ва тепловозлар), 30 мингга яқин вагон ва бошқа темир йўл инфратузилмаси объектилари устидан юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлиги таъминланиши юзасидан давлат назорати амалга ошириб келинаётир.

Коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш мақсадида инспекция ҳузурида "комплаенс назорат" тизими жорий этилган. Тизим самарали ишлаши учун кенг жамоатчилик, тадбиркорлик субъектлари билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз ҳудудларини ўзаро боғловчи ишончли, тезкор ва хавфсиз темир йўл тизими соҳасида қатнов ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаётбахш ислохотлар халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳиятидан далолатдир. Албатта, бу каби улкан орзуларни рўёбга чиқариш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун жуда катта маблағ, инвестиция зарур.

"Инсон қадри улуг" тамойили асосида амалга оширилаётган ишлар ҳамюртларимизга қулай ва хавфсиз хизмат кўрсатиш, узоқини яқин қилиш, йилдан-йилга хизмат сифати ва қўламини ошириб боришга қаратилгани билан аҳамиятли. Эзгу ташаббуслар юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш, инвестициявий жозибадорлигини ошириш, ҳудудлараро ва халқаро ҳамкорлик доирасида муҳим транспорт йўлагини кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Бу борада мугасадди ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, соҳада қонун устуворлигини таъминлаш, ҳамюртларимизнинг жараёндаги дэҳдорлик туйғусини яхшилаш мақсадида кенг қўламли тушунтириш-тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Тизимли ишлар самараси сифатида ўтган қисқа даврда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қувонарли ютуқларга эришилди.

Аmmo ҳали бажаришимиз керак бўлган муҳим вазифалар жуда кўп. Бу эса биздан фаолиятимизни бугунги кун талаби ва эҳтиёжи асосида тобора ривожлантириб боришни тақозо этади.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

РЕКЛАМА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

Амалий математика ва интеллектуал технологиялар факультети

- Ахборот хавфсизлиги кафедраси — кафедра мудири.
- Сунъий интеллект кафедраси — кафедра мудири.
- Алгоритмлар ва дастурлаш технологиялари кафедраси — кафедра мудири.

Биология факультети

- Микробиология ва биотехнология кафедраси — кафедра мудири.
- Одам ва ҳайвонлар физиологияси кафедраси — кафедра мудири.

Геология ва муҳандислик геологияси факультети

- Геодинамика ва тектоника кафедраси — кафедра мудири.
- Геофизикавий тадқиқот усуллари кафедраси — кафедра мудири.

Журналистика факультети

- Жамоатчилик билан алоқалар ва реклама кафедраси — кафедра мудири.

Ижтимоий фанлар факультети

- Этика ва эстетика кафедраси — кафедра мудири.
- Ижтимоий иш кафедраси — кафедра мудири.
- Педагогика ва умумий психология кафедраси — кафедра мудири.

Иқтисодиёт факультети

- Макроиқтисодиёт кафедраси — кафедра мудири.
- Молия ва кредит кафедраси — кафедра мудири.

Кимё факультети

- Умумий ва нефть-газ кимёси кафедраси — кафедра мудири.
- Физикавий кимё кафедраси — кафедра мудири.

Математика факультети

- Математик анализ кафедраси — кафедра мудири.
- Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика кафедраси — кафедра мудири.
- Механика ва математик моделлаштириш кафедраси — кафедра мудири.
- Геометрия ва топология кафедраси — кафедра мудири.

Ўзбек филологияси факультети

- Компьютер лингвистикаси ва амалий тилшунослик кафедраси — кафедра мудири.

Физика факультети

- Назарий физика кафедраси — кафедра мудири.
- Яримўтказгичлар ва полимерлар физикаси кафедраси — кафедра мудири.

Хорижий филология факультети

- Рус адабиётшунослиги кафедраси — кафедра мудири.
- Таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик кафедраси — кафедра мудири.
- Рус тилшунослиги кафедраси — кафедра мудири.

Танловда қатнашадиган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- Университет ректори номига ариза.
- Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (маълумотнома).
- Олий маълумоти тўғрисидаги дипломлар нусхаси.
- Илмий унвони тўғрисидаги дипломлар нусхаси.
- Илмий ишлари рўйхати (сўнгги 3 йил).
- Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил:
100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУнинг ходимлар бўлими.
Тел.: (71) 246-03-92.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 641. 17 421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилиши учун буюбунни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефон: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиевров.

Мусаҳҳиҳ — С. Исмоилов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.25 Тошпирилди — 01.45 1 2 3 4 5 6